

ТОШКЕНТ ОҚИШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

№ 176 (7. 265)

1990 йил 4 август, шанба

Баҳоқс 3 тийин.

1990 йил 3 август кунин Москва вақти билан соат 15 дан 46 минут ўтганда «Союз ТМ-10» космик кемаси «Мир» орбитал комплексига айлан тушатириди. Анатолий Соловьев, Александр Валадин, Геннадий Манаков ва Геннадий Стрекалов биргаликдаги учин давомида бир қанча илмий-техникавий ва тиббий-биологик тадқиқотлар ҳамда тажрибаларни бажардилар. Анатолий Соловьев билан Александр Валадин белгиланган ишлар тўғрисида кейин 9 август кунин «Союз ТМ-9» кемасида ерга қайтиб тушадилар.

Орбитал комплексининг еттинчи асосий экспедицияси экипажи — космонавтлар Геннадий Манаков ва Геннадий Стрекаловнинг тўрт ойга мўлжалланган учини программаси «Мир» станциясида аввалги экспедициялар ўтказган

тадқиқотларнинг давомидир. Программа геофизик ва астрофизик тадқиқотларини, биотехнологик ва биологик экспериментларини ўз ичига олган.

Учинда космик материалшунослик программасига оид ишларга катта ўрин берилган. Бу ишларини ҳозирги замон микроэлектроникаси ахтирлари учун таснифлари ахшилланган ярим ўтказкич материалларнинг янги тажриба — саноат туркумларини олиш мақсадида «Кристалл» модулининг бир қанча технологик қурилмаларида ўтказиш мўлжалланган.

Телеметрия ахбороти маълумотлари қўра, «Мир» комплексининг ички системалари нормал ишлаб турибди. Космонавтлар учини программасини бажаришга киришдилар.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми тўғрисида АХБОРОТ

1990 йил 3 август кунин Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг II пленуми бўлди. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзбси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби, Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов «КПСС XXVIII съездининг якунлари ва Ўзбекистон Компартияси фаолиятининг асосий йўналишлари тўғрисида» маъруза қилди.

Маъруза юзасидан музокараларда Андижон вилоят партия комитетининг биринчи котиби Қ. Қ. Холмирзаев, Навоий кон-металлургия комбинатининг слесари А. П. Харьянов, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти М. Салоҳиддинов, Олмалик кон-металлургия комбинатининг директори В. Н. Сигедин, Ўзбекистон ССР халқ таълими министри К. Юсупов, Қарши район партия комитетининг биринчи котиби М. Гелдиева, Қорақалпоғистон вилоят партия комитетининг биринчи котиби С. Д. Ниетуллаев, Тошкент олий партия мактабининг ректори М. Искандаров, Мирзачўл райондаги Абай номи совхоз-техникум бригадирини Р. Маматов, «Андижон» локомотив депосининг машинисти Ю. С. Емельянов ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Муҳокама этилган масала юзасидан пленум тегишли қарор қабул қилди.

Пленум КПСС XXVIII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXII съездининг сиёсий йўл-йўриқларига амал қилиб, Ўзбекистон Компартиясининг «Сиёсий ва иқтисодий мустақиллик, маънавий янгилашиш, ижтимоий адолат ва Ўзбекистон аҳолисининг муносиб турмуш шароити учун» ҳаракат дастури лойиҳасини ишлаб чиқувчи ишчи комиссиясини тузди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби И. А. Каримовга комиссияга бошчилик қилиш вазифаси топширилди.

Пленум Ўзбекистон Компартиясининг мақоми лойиҳасини ишлаб чиқувчи комиссиясини ҳам тузди ва мазкур комиссияга бошчилик қилиш Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи котиби А. С. Ефимовга топширилди.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ташкилий-партиявий иш ва кадрлар билан ишлаш, мафкуравий масалалар, ижтимоий-иқтисодий ва аграр сиёсат масалалари комиссияларининг таркиби тасдиқланди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ҳуқуқий ма-

салалар комиссияси миллатлараро муносабатлар муаммолари ва ҳуқуқий масалалар комиссиясига айлантирилди. Комиссиянинг таркиби тасдиқланди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг яна иккита комиссиясини — ижтимоий-сиёсий ташкилотлар ва ҳаракатлар билан ҳамжиҳатлик масалалари ҳамда ёшлар сиёсати масалалари комиссияларини тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Комиссияларнинг тақлиф этилган таркиби тасдиқланди. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ш. Р. Мирсайдов ва Ўзбекистон комсомолни Марказий Комитетининг биринчи котиби А. Н. Носиров ўртоқлар комиссияларнинг бошлиқлари этиб сайландилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленумида ташкилий масалалар ҳам қўриб чиқилди.

Пленум Тошкент вилоят партия комитетининг биринчи котиби ўртоқ С. М. Мамарасуловнинг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзбси ва Марказий Комитет аъзбси вазифаларидан, Самарқанд вилоят партия комитетининг биринчи котиби П. М. Абдураҳмонов, Сурхондарё

вилоят партия комитетининг биринчи котиби Х. Э. Бердиев ва Бухоро вилоят партия комитетининг биринчи котиби Д. С. Едгоров ўртоқларнинг КПСС Уставининг 11-параграфига мувофиқ Марказий Комитет аъзолари вазифаларидан озод қилиш тўғрисидаги илтимосларини қондирди. Мазкур параграфга биноан партия аъзбси иккитадан ортиқ партия комитетига аъзо бўла олмайди. КПСС XXVIII съездида С. М. Мамарасулов, П. М. Абдураҳмонов, Х. Э. Бердиев, Д. С. Едгоров ўртоқлар КПСС Марказий Комитетининг аъзолари этиб сайландилар.

Пленумда «Шарқ Юлдузи» журналнинг бош муҳаррири У. Ҳошимов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзбси этиб сайланди.

И. А. Каримов пленумда якуновчи нутқ сўзлади.

Пленум ишида КПСС Марказий Комитетининг масъул ходимлари Г. Т. Сташкевич ва Е. А. Новожилов иштирок этдилар.

Шу билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг II пленуми ўз ишнини тамомлади.

КПСС XXVIII съездининг якунлари ва Ўзбекистон Компартияси фаолиятининг асосий йўналишлари тўғрисида

Ўртоқлар! Пленумимиз олдида катта ва масъулиятли вазифа турибди. Компартиядан делегатлар билан биргаликда биз бутун КПСС XXVIII съезди ишига яқин ясашимиз, унинг натижаларини пухта ўйлаб кўришимиз лозим. Энг муҳими — ана шунга амал қилиб, Компартия, унинг барча ташкилотлари ва комитетлари фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаб олишимиз, қабул қилган қарорларини аниқ-равшан, амалий ишларга айлантиришга оид вазифаларини муҳокама қилишимиз керак.

Партия съездида мамлакат учун қийин даврга тайёргарлик қўриди. Съезд гойта мураккаб ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий вазиятда эди. Ўқтир ижтимоий ва, миллатлараро можаролар жамиятимизни мушкул аҳволга солиб қўймоқда. Партиянинг ташкилий ва гоявий бирлиги, кўп миллатли давлатимизнинг ахлиллги хавф остида қолди.

Съезд ана шу қийин, ҳамма тўқилдиришга таянган масалаларга жавоб топишга муваффақ бўлдим? Партиянигина эмас, шу билан бирга бутун жамиятимизнинг тақдирини ана шу масалаларнинг ҳал этилишига боғлиқдир. Съезд мамлакатни танглик-

дан олиб чиқишга қодир бўлган энг муҳим, асосий қондаларини ишлаб чиқа олдимми?

Съездаларга маълумки, Ўзбекистон Компартияси XXVIII съездида ҳар қачонгидан кўра аниқ-пухта нутқ тай назар билан борди. Съезддаги йиғилишлари ва конференцияларида ўзининг XXII съездининг биз жумхурият турмушининг барча соҳаларидаги ишларнинг аҳолининг ҳар томонлама ва танқидий таҳлил этдик, унинг миллий-давлат, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ривожланишининг гоят ўқтир муаммоларини белгилаб олдик. Шуларин назарда тутиб, умумпартиявий анжуманга бутун бир тақлифлар мажмуини ишлаб чиқдик.

Умидларимиз оқландими? Биз съездида ўртага қўйган барча энг муҳим масалалар ҳал этилдимми?

Давр мана шу барча саволларга рўй-рост ва тўғри жавоб берилишини тақозо этмоқда.

Мен ҳозир айтмоқчи бўлган барча баҳолар ва ҳулосалар, тақлифлар ва вазифалар Марказий Комитет бюроси аъзоларининг фикригагина асосланмастлигини таъкидламоқчиман. Амалий фаолиятимизда илк бор биз партия фаоллари орасида социологик савол-жавоб ўтказдик. Унда съезд делегатлари, Компартия сайлаб қўйилган органларнинг аъзолари иштирок этдилар. Фиррлар гойта хилма-хил бўлишига қарамай, бу ишчимизни қайта қуришга қаратилган кўпчиликнинг фикрини, демак бирмунча ишончли нутқан эсанлар ва тақлифларни пленум муҳокамасига қўйиш имконини беради.

1.

Съезд ишига кенг қўламада баҳо бера эканмиз, биринчи галда нималарни ажратиб кўрсатишни ва таъкидлашни истардим?

Муайян кўчларнинг партияни парчалаб ташлашга уринишларига қарамай, съезд унинг ташкилий ва гоявий бирлигини сақлаб қолишга муваффақ бўлди.

Съезд турли платформалар ва позициялардаги барча ишматли ва амалий ижтимоий ўз ичига олган катта сиёсий ечимларни ишлаб чиқди.

Хусусан, яқна партиявийликдан кўп партиявийлик сари, иқтисодиётда бир укладликдан кўп укладлик сари, демак, биз учун айқин муҳим бўлган унитар давлатдан суверен, мустақил жумхуриятлар иттифоқи сари дадил қадамлар қўйилди.

Буларнинг ҳаммаси партияни жипслаштириш, унинг теварагида барча соғлом, қайта қуриш кўчларини бирлаштириш учун зарур асосларни вужудга келтиради.

Аммо партияни парчалаб юбориш гояси эътибордан четда қолмади. Муайян кўчлар Б. Н. Ельцин ва демократик платформа раҳбарларидан иборат кичик бир гурудининг партиядан намойишкорона чиқини. Г. Попов билан А. Собчанинги баёнот тартиб қилиш ва бурттириб кўрсатишга уринмоқдалар.

Тўғри, ана шу ҳаракатлар уларнинг муаллифлари мўлжаллаган ижтимоий шовшунга сабаб бўлмади. Аммо бундай ҳаракатларнинг хазарли аналитига етарли баҳо бермаслик мумкин эмас. Партияга, Советларга, социализмга қарши барча кўчлар сиёсатдан холи бўлишдан

иборат йнвогарона ширлар теварагида бирлашмоқдалар. 15 июль кунин Москвада бўлиб ўтган партияга қарши митинг бунин яқин кўрсатди. Шу тўғрисида бундай хатти-ҳаракатларнинг ҳақиқий моҳиятини фош этиш, уларга сиёсий баҳо бериш зарур.

Съезд КПССнинг танланган социалистик йўлга соқиллигини аниқ-равшан таъкидлади. Айна пайтада таяниб, ижтимоий ривожланиш стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқа олди.

Съезддаги мунозараларида ва съездининг ўзидан партиянинг ташкилий қурилиши, демократик централизм, партия илтимоси масалалари катта баҳслашуларга сабаб бўлди. Бундай баҳслашулар ҳозир ҳам давом этмоқда.

Бу хусусда партиянинг позициясини равшандир. Бирорта ҳам жиддий сиёсий ташкилот, айниқса жамиятдаги ишларнинг аҳоли учун масъ-

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзбси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби, Ўзбекистон ССР Президенти И. А. КАРИМОВ маърузаси

халқ босиб ўтган бутун йўлни йўқча чиқаришга, бутун ниқилобий таълимотни сохта деб этилон қилишга, яъни партияни гоявий жиҳатда кулолсизлантиришга уринишмоқда.

Ушбу масалаларда съезд ағаллаган қатъий позиция КПССнинг гоявий-назарий негизини мустаҳкамлайди, у ана шу негизга таяниб, ижтимоий ривожланиш стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқа олди.

Съезддаги мунозараларида ва съездининг ўзидан партиянинг ташкилий қурилиши, демократик централизм, партия илтимоси масалалари катта баҳслашуларга сабаб бўлди. Бундай баҳслашулар ҳозир ҳам давом этмоқда.

Бу хусусда партиянинг позициясини равшандир. Бирорта ҳам жиддий сиёсий ташкилот, айниқса жамиятдаги ишларнинг аҳоли учун масъ-

ПАРТИЯДА ДЕМОКРАТИЯНИ РИВОЖЛАНТИРАЙЛИК

МОСКВА, 2 август. (ТАСС мухбири Р. Кариян). КПСС Марказий назорат комиссияси — партиянинг жазоловичи органи ҳам, прокуратураси ҳам эмас. Коммунистларни партия бюрократларидан, амалбастлардан ҳимоя қилиш унинг асосий максалларидан биридир. КПСС Марказий назорат комиссиясининг раиси Б. К. Пуго журналистлар билан учрашувда сўзга чиқиб, шунини таъкидлади.

Жумладан, раис коммунистларнинг ҳимояланиши партия Марказий Комитети қандай ҳужжатларни қабул қилишига ва улар қандай бажарилишига боғлиқ бўлишини айтди. Айна Марказий Комитет фаолиятини назорат қилиш Марказий назорат комиссияси ишига асос қилиб олинган. Бунда у зини КПСС Марказий Комитетидан юқори қўймайди, унинг вазифаси партияда демократияни ривожлантириш соҳасида биргаликда меҳнат қилишдан иборат.

Марказий назорат комиссиясининг раиси КПСС

гина партия ходимларининг ўрнини ағаллаганликлари бекиз эмас.

Б. К. Пуго, комиссия коммунистлардан тушаётган барча шикоятлар ва тақлифларни, албатта, ҳал эта олмаслигини таъкидлади. Чунки КПСС Марказий Комитети ҳузурдаги Партия назорати комитети номига бир йилда салкам 60 мингта хат олинди ва уларнинг оқими намайди, деб ўйлаш нотўғри бўлур эди. Комиссия раиси қуйи партия органлари теъзон ишга киришишлари лозим деган истакни билдирди: марказ ҳар қанча истаса ҳам бажара олмайдиган вазифаларнинг бир қисминини улар ўз ниммаларига олишлари керак.

Журналистлар билан учрашувда шу йилнинг олти ойи ичиде 370 мингта яқин кишини ихтиёрий равишда КПСС сафидан чиқарилгани айтиб ўтилди. КПСС Марказий назорат комиссиясининг раиси бунин мутлақо нормал жарабан, деб ҳисоблайди. Партия КПСС XXVIII съездинан кейин ўз позицияларини Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг позицияларига мос нелмаслигини тушушган тасодифий кишилардан тозаланмоқда.

5 АВГУСТ — ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР КУНИ

Соҳанинг муҳим вазифалари

Ўзбекистон ва бутун минтақа иқтисодиётини олға силжитиш ўрта Оснн темир йўлининг ишига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Темирйўлчилар кунига бағишланган тантанали мажлисда тармоқда ҳал этилаётган вазифалар тўғрисида гапирилди. Бу мажлис 3 август кунин Тошкентда бўлди.

Ҳужалик юритишининг янги системасини қарор топтиришдаги қийинчиликлар, деб таъкидланди мажлисда, темир йўл фаолиятига ҳам таъсир қилмоқда. Лекин юқанда йўловчилар ташийдиган вагонлар, локомотивлар, зарур материаллар етишмай турган мураккаб шароитда ҳам ўрта Оснн темир йўли жадал сурьатда, юқори маромда ишламоқда.

Биринчи йрим йилликда режадан ташқари 1,3 миллион тоннадан кўпроқ юқ ортиб жўнатилиди. Юқ таший ҳамми ўтган йилнинг биринчи ярмига нисбатан анча кўпайди. Ўрта Оснн темир йўлида амалга оширилган туркум тадбирлар вагонлар оборотини бир кеча-кунду жадаллаштириш имконини берди. Ез фаслида йўловчилар ҳамда юқларни оммавий равишда ташийшга тайёргарлик чоғида аввалги йилларда қурилган вагонлар тикланди, рефрижераторларнинг зарур резерви вужудга келтирилди, бир қанча станцияларда рефрижераторларни тайёрлаш ва уларга қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ортиш учун қўшимча йўллар ётқизилди. Йўловчилар ташийш ҳамми 11 фоиз кўпайди. Ўйлаб ахтиёт насса-лар ва бюкортма столлари оинчиди.

Бирок, ўрта Оснн темир йўлида ижобий натижалар анча бўлишига қарамай, ҳали ҳал этилмаган қўлгина масалалар бор. Юқ жўнатувчилар ва уни қабул қилиб олдувчилар, йўловчилар темир йўл шаънига асосли таъналар қилишмоқда. Мажлисда ҳалқ хўжалиги юқларини ҳамда аҳолини ташийшга бўлган ахтиёжни ўз вақтида сифатли қилиб тўла-тўқис қондирши муҳимлиги таъкидланди.



Шаҳримизнинг қўлгина темирйўлчилари қаторида «Тошкент» тепловоз депонининг электр-газ пайвандчиси Тимур Мамадиев ёш бўлишига қарамай байрамни арингулик меҳнат тўғриси билан кутиб олишга интильмоқда. У ёшлар ўртасидаги ўзаро мусобақада қўлгидаги натижаларга эришайтир.

Т. Каримов сурати.

